Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат


2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 27 октябрь, № 225 (9396) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР АМИРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашув ўтказди.



Суҳбат аввалида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги олий даражадаги фаол мулоқотлар ва тизимли ишлар натижасида алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилгани мамнуният билан таъкидланди.

Бу каби яқин муносабатлар икки томонлама дўстлик ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижросининг бориши кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий ва гуманитар соҳалардаги лойиҳаларни янада кенгайтиришга аҳдлашиб олинди.

Етакчилар глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕК КИНОСИ: ТАРИХИЙ МЕРОСДАН ЯНГИ ЮКСАЛИШ САРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни кино соҳасига замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш ва «O‘zbekfilm» миллий кино брендини яратиш юзасидан тақдимот билан танишди, соҳа вакиллари билан мулоқот қилди.

Кино санъати жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. У мамлакатнинг тарихи, миллий қадриятлари ва замонавий тараққиётини кенг жамоатчиликка етказишда самарали восита ҳисобланади.

Соҳани қўллаб-қувватлашга доир икки фармон ва саккизта қарор қабул қилинди. Фильмлар олиш учун Давлат бюджетидан 2016 йилда 10 миллиард сўм ажратилган бўлса, бу йил 218 миллиард сўм берилди. Ўн йилда ажратилган маблағ жами 1 триллион 200 миллиард сўмни ташкил этди.

Соҳада давлат монополияси тугатилиб, хусусий киностудияларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Тарихий шахслар ва миллий ўзликни англашга қаратилган асарлар суратга олиниб, замонавий кинопавильонлар ташкил қилинди. Хорижий давлатлар билан йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, соҳада камчиликлар сақланиб қолаётганини таъкидлади. Хусусан, буюк ўзбек режиссёрлари асос солган чуқур психологик ва фалсафий ўзбек кино мактаби сусайиб, юзаки сюжетли фильмлар кўпайгани, сифатли сценарийлар етишмаётгани ҳамда операторлик, овоз режиссёрлиги ва монтаж соҳасидаги авлодлар узилиши юзага келгани кўрсатиб ўтилди.

Ўрганишлар ҳозирда ишлаб чиқарилиши белгиланган 181 та лойиҳада мавзу ва даврларнинг қайтарилиши, ижодкорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳалардаги иштироки, айрим студия ва ижодий гуруҳлар етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатди.

Агентлик фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари суратга олинаётган фильмларнинг оммабоплиги, томошабинларнинг эътирофи эмас, балки тасдиқланган режани бажаришдан иборат бўлиб қолгани қайд этилди. Қолаверса, фильмларнинг маркетинги, дистрибуция ва халқаро сотуви бўйича тизим йўлга қўйилмаган.

Тақдимотда кино соҳасига замонавий бошқарув усулларини жорий қилиш ва “O‘zbekfilm” миллий кино брендини яратиш мақсадида қатор ташаббуслар билдирилди. Хусусан, Кинематография агентлиги, унинг тизимидаги 19 та ташкилот ва Кинематография жамғармасини тугатиш, уларнинг ваколатларини Маданият вазирлигига ўтказиш, бўшаган биноларни аукционда сотувга чиқариш таклиф қилинди.

Маданият вазирлиги муассислигида “Ўзбекфильм” миллий кинокомпанияси ташкил этилиб, соҳадаги бош оператор этиб белгиланади. Кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришда давлат буюртмаси тизими бекор қилиниб, лойиҳалар компания томонидан унга ажратиладиган бюджет субсидиялари орқали молиялаштирилади.

(Давоми 2-бетда).

ИНФРАТУЗИЛМА ЯНГИЛАНАДИ, ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёев тиббий инфратузилмани ягона мастер-режа асосида ривожлантириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Тиббиёт муассасаларини жойлаштириш, қуриш ва жиҳозлаш аҳолининг эҳтиёжига таянган ҳолда режалаштирилиши зарур. Ҳозир айрим ҳудудларда хизматлар тарқоқ ташкил этилган, шифо ўринлари нотўғри тақсимланган, эски бинолар ва ускуналардан фойдаланиш эса тиббий ёрдам сифатига таъсир қилмоқда.

Ишни мавжуд объектлар ҳақидаги аниқ маълумотларни шакллантиришдан бошлаш кўзда тутилган. Ўнта вилоятда ўтказилган хатловда соҳага тегишли 3 499 та объект аниқланган. Бу Кадастр агентлиги маълумотларидагидан 494 тага кўп. Барча ҳудудларда хатловни якунлаш, объектларнинг электрон паспортларини шакллантириш ва соҳа кўчмас мулкининг ягона рақамли реестрини яратиш таклиф этилди.

Шу маълумотлар асосида 2026 — 2036 йилларга мўлжалланган тиббий инфратузилма мастер-режаларини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди. Ҳар бир ҳудуд бўйича аҳоли сони ва ўсиши, тиббий хизматларга эҳтиёж, муассасаларнинг қуввати ҳамда беморларнинг уларга етиб бориш вақти ҳисобга олинади. Мастер-режа қайси объектни сақлаб қолиш, бирлаштириш ёки реконструкция қилиш, янгисини қаерда қуриш, уни қандай жиҳозлаш ва қанча мутахассис зарурлигини белгилайди. Инвестиция дастурларини ҳам шу режалар асосида шакллантириш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

V ЁЗГИ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Матонатли ва қаҳрамон ўғил-қизларим!

Ҳурматли устоз-мураббийлар!

Муҳтарам ота-оналар!

Аввало, барчангизни Японияда бўлиб ўтган V ёзги Параосиё ўйинларида Ўзбекистон жамоаси том маънода тарихий ғалабани қўлга киритгани билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мард ва жасур фарзандларимиз Осиё қитъасининг 45 та давлатидан 2 минг 600 нафардан зиёд кучли параспортчи иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда чинакам жасорат ва матонат кўрсатиб, мамлакатимиз спорти тарихида яна бир шонли саҳифа очганлари барчамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Сизлар қизғин ва муросасиз руҳда кечган беллашувларда 45 та олтин, 49 та кумуш ва 51 та бронза медални қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарганингиз юксак таҳсинга муносибдир.

Сизларнинг ҳар бир чиқишингизни юртимиздаги миллионлаб мухлисларингиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Бутун Ўзбекистон халқи Яратгандан омад ва зафарлар тилаб, сизларни чин дилдан қўллаб-қувватлади.

Айниқса, сизлар улкан азму шижоатингиз билан спорти жадал ривожланаётган Ҳиндистон, Жанубий Корея, Эрон, Таиланд, Индонезия каби давлатлар жамоаларини ортда қолдириб, Хитой Халқ Республикаси ва Япониядан кейин учинчи ўринни забт этганингиз — чинакам қаҳрамонликдир.

Сизлар Параосиё ўйинларида нафақат чемпионлик мақомини, балки бутун халқимизнинг ишончини, Ватанимиз шаъни ва ғурурини муносиб ҳимоя қилдингиз.

Ўзбекистон спорт делегацияси қўлга киритган олтин медалларнинг тенг ярми қизларимиз ҳиссасига тўғри келганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Шиддатли баҳсларда юртдошларимиз жаҳон ва Осиё рекордларини янгилаб, ўзбек параспортининг имкониятлари чексиз эканини яна бир бор исботладилар.

Пауэрлифтингчи қизимиз Рўза Қўзиева делегациямиз ҳисобига олтин медаль тақдим этиш билан бирга жаҳон рекордини ўрнатди. Мадина Мухторова, Каромат Омонова ядро улоқтиришда, Шаҳина Йигиталиева найза улоқтиришда, Наврўза Аҳмадова диск улоқтиришда, Хуршид Қодиров 100 метрга югуришда, Егор Болотов 100 метрга чалқанча сузиш ва 200 метрга комплекс сузиш дастурларида, делегациямиз таркибидаги энг ёш спортчиларимиздан 16 ёшли Лолахон Қодирова қизимиз 50 метрга эркин усулда сузишда Осиё рекордини қайд этди.

Бундан ташқари, пара велоспорт, пауэрлифтинг ва пара енгил атлетика спорт турлари бўйича ҳам 16 нафар вакилимиз Параосиё ўйинлари рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Дмитрий Хорлин тўртинчи бор, Бобиржон Омонов, Хусниддин Норбеков, Қудратиллохон Маъруфхўжаев, Фахриддин Ҳамроев учинчи бор Параосиё ўйинлари шоҳсупасига кўтарилган бўлса, Асила Мирзаёрова, Шаҳина Йигиталиева, Гулжоной Наимова, Рўза Қўзиева иккинчи маротаба қитъада тенгсиз эканини амалда тасдиқладилар.

Шунингдек, Мадина Мухторова, Наврўза Аҳмадова, Мубинабону Халилова рақибларига ҳеч бир имконият қолдирмасдан икки карра, Хуршид Қодиров эса уч карра олтин медаль соҳибига айланди.

Параосиё ўйинларида биринчи марта иштирок этган Егор Болотов пара сузиш дастурларида 4 та олтин ва 1 та кумуш медални қўлга киритди.

Пара велоспорт бўйича жаҳон биринчилигида Ўзбекистонга илк тарихий олтин медални олиб келган делегациямиз байроқдори Маржона Пардабоева Параосиё беллашувларида ҳам етакчиликни сақлаб қолди ва икки карра Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Делегациямизнинг 15 яшар аъзоси Бобурбек Тоштемиров пара велоспортнинг трек баҳсларида Ўзбекистоннинг Параосиё ўйинларидаги биринчи олтин медалини қўлга киритиш билан бирга энг ёш чемпион сифатида ҳам тарихга кирди.

Буларнинг барчаси — сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, букилмас иродангиз, истеъдод ва маҳоратингиз, қолаверса, юртимизда инсон қадрини юксалтиришга қаратилган тизимли ишларимиз натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай довюрак ва паҳлавон фарзандларни тарбиялаган, эзгу интилишларингизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ота-оналарингиз, моҳир ва жонкуяр мураббийларингизга чин юракдан миннатдорлик изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли спортчилар!

Сизлар Аичи-Нагоя майдонларидаги ёркин ғалабангиз билан Янги Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракати юқори босқичга кўтарилгани, бу йўлда янги олтин авлод шаклланганини бутун дунёга намоён этдингиз.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: сизлар тақдирнинг ҳар қандай синовларига қарамасдан, фақат ғалаба, эзгу мақсад ва юксак марра сари интиладиган инсонларсиз. Мана шундай фазилатларингиз янада зиёда бўлсин!

Ишончим комил, Япония заминида эришилган натижа, тўпланган тажриба 2028 йил Лос-Анжелесда ўтадиган Паралимпия ўйинлари учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Сизлар жаҳоннинг ана шу энг нуфузли ўйинларига ҳам албатта муносиб тайёргарлик билан борасиз!

Келгуси фаолиятингиз янада ёркин зафарларга албатта бой бўлади!

Янги Ўзбекистоннинг буюк спорт солномасини яратишда сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИ ТАРИХИНИНГ ЯНА БИР ШОНЛИ САҲИФАСИ

Жорий йилнинг 19 — 24 октябрь кунлари Японияниинг Аичи префектураси ва Нагоя шаҳрида ўтказилган V Параосиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юксак натижаларга эришган параспортчиларимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтди. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида уларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ифтихор



...Аэропортда одатдагидан ўзгача муҳит ҳукмрон. Қўлларда Ўзбекистон байроғи, дилларда ғурур ва ифтихор, юзларда эса қувонч.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар. Параспортчиларимиз самолётдан тушиб келар экан, қўлларидаги Ватан байроғини мағрур кўтаради.

Карнай-сурнай садолари, олқишлар аэропортни шукуҳга тўлдирди. Спортчиларга тақдим этилган гуллар, самимий табриклар ва дилдан айтилган тилаклар ушбу лаҳзаларнинг ҳаяжонини янада оширди.

Тантанали маросимда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, спорт вазири Адҳам Икромов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, Миллий паралимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати билан диагностика ва даволаш амалиётида илғор технологик ва инновацион усулларни кенг қўллаш, рақамли трансформацияни жадаллаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Даминов Ботир Тургунпулатович — Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Джураев Миржалол — Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг абдоминал жарроҳлик бўлими илмий раҳбари

Каримов Шавкат Ибрагимович — Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази директори

Юсупов Азамат Фархадович — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Ваисов Адхамджон — Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-дерматовенерология ва косметология кафедраси профессори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Алиев Азиз Абдуллаевич — Қўқон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг неврология бўлими шифокор-неврологи, Фарғона вилояти

Алимухамедова Назира Агзамовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник-диагностик лабораторияси лаборанти

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Мамасадиков Нурилло Шукруллаевич — Фарғона шаҳридаги “Central Asian medical university” нодавлат таълим муассасаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Алиева Дилфуза Абдуллаевна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг “Оила ва никоҳ” маслаҳатхонаси мудири

Аляви Бахромхон Анисхонович — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ашуров Зарифжон Шарифович — Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Кулджанов Жолдас — Америка Қўшма Штатлари Сент-Луис университети шифохонасининг ортопедия бўлими мудири

Сабиров Улуғбек Юсупхонович — Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Ташмухамедова Барно Эркиновна — Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири

Туляганов Даврон Бахтиярович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори

Фозилов Хуршид Файратович — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ахмедова Олия Маматқуловна — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг аллергология бўлими мудири

Бабажанова Шахида Дадажановна — Республика перинатал марказининг акушерлик бўлими мудири

(Давоми 2-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 27 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бобоева Нодира Исроиловна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали туғуруқ бўлими дояси

Болкунова Фаина Владимировна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат илмий тиббиёт кутубхонаси раҳбари

Киличев Ибадулла Абдуллаевич — Урганч давлат тиббиёт институтининг асаб касалликлари, тиббиёт психологияси ва психотерапия кафедраси профессори, Хоразм вилояти

Саидазизова Шахло Хибзиддиновна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Узлуксиз Тиббий таълим миллий институтининг болалик даври асаб касалликлари кафедраси доценти

Юсупова Наргиза Сотволдиевна — Асака тумани маслаҳат-диагностика бўлимининг болалар шифокор-невропатологи, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Акико Фужи — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили

Аюбий Эисахан Аюб — Америка Қўшма Штатлари “Project C.U.R.E.” ташкилотининг ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича бош директори

Баиев Хасан Жунидович — Россия Федерациясининг Е. П. Глинка номидаги Республика болалар клиник шифохонаси юз-жағ ва пластик жарроҳи

Гизатулина Назира Расуловна — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Мусаев Ахмет Юсупович — Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар реанимацияси бўлими шифокор-реаниматологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Пак Антонина Аликовна — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг скрининг-тиббий маслаҳат бўлими шифокор-генетиги

Тойимбетова Галия Калабаевна — Зарафшон шаҳар кўп тармоқли марказий шифохонасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори, Навоий вилояти

Царева Виктория Эдуардовна — Академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали бош шифокори

Усманова Паризод Абдикаюмовна — Республика болалар фтизиатрия ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

I даражали «Саломатлик» ордени билан

Каримов Абдуфаррух Абдусатарович — Академик Ё.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими илмий раҳбари

Разикова Илмира Садуллаевна — Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Рахматов Набижон Салиевич — Тўрақўрғон туманидаги “Янгиобод” оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Наманган вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Бегманов Бахит Кудайбергенович — Шуманай туманидаги “Қарабайли” оилавий шифокорлик пунктининг оилавий шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Бобокулова Ойсанам Рахматовна — Яккабоғ туманидаги “Саломатлик” хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Ганиев Тулкунжан Гапирович — Тиббиёт бош бошқармасининг марказий клиник шифохонаси кардиология бўлими мудири

Ёқубов Ахрор Туйичиевич — Учтепа туманидаги “Jacksoft medical diagnostics services” хусусий клиникаси нейрожарроҳи, Тошкент шаҳри

Комилова Хури — Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг ички дорихонаси провизори, Тошкент вилояти

Камилова Алтиной Турсунбаевна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг гастроэнтерология илмий бўлими мудири

Каюмов Тахир Поттахович — Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг бош шифокори

Қодирова Раъно Ганиевна — Зангиота тумани юқумли касалликлар шифохонасининг бош шифокори, Тошкент вилояти

Мустафакулова Сахиба Евгашевна — Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг Равот бўлими мудири, Жиззах вилояти

Насретдинова Шохида Давранбековна — Андижон шаҳридаги 6-оилавий поликлиникаси бош шифокори, Андижон вилояти

Омонов Олим Муродуллаевич — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Усманова Гулнара Махамаджановна — Тошкент тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси бош ҳамшираси

Холбекова Хакимахон Исмаиловна — Мирзаобод туманидаги 17-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Сирдарё вилояти

Чариева Салима Ибрагимовна — Қумқўрғон туманидаги 34-оилавий поликлиникаси мудири, Сурхондарё вилояти

Элов Боймурод Дилмуродович — Бухоро ногиронлиги бўлган аёллар учун “Гамхўрлик” маркази шифокор-терапевти, Бухоро вилояти

Эргашова Мукарамой Журабаевна — Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги марказининг фармако-токсикологик таҳлил лабораторияси мудири

«Жасорат» медали билан

Бурибаева Араилим Кидировна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Пешку тумани бўлими ҳамшираси, Бухоро вилояти

Мирзаева Шоҳзода Бердиёровна — Кўкдала тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Уразбаева Светлана Турдимуратовна — Мўйноқ туманидаги “Қозоқдарё” оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Ботиров Мейли Тураевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Косон тумани бўлими ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Гимранов Эмиль Илдарович — “UZINFOCOM” масъулияти чекланган жамияти бош директори

Махмудова Азиза Джумановна — Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Нарзуллаев Абдигафур Уракович — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларнинг функционаллигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси

«Соғлом турмуш» медали билан

Ахмедова Шаҳло Абдумуминовна — Арнасой тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

Ибрагимов Дилшоджон Соатиллаевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Давлатобод тумани бўлими фельдшери, Наманган вилояти

Кадирова Флора Закировна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консультатив-диагностик поликлиникаси жарроҳлик бўлими шифокор-оториноларингологи

Касимов Абдунаби Кадирович — Чилонзор туманидаги “Radiks” фармацевтика корхонаси таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Тўраев Зафар Актамович — Хатирчи туманидаги 28-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Навоий вилояти

Худайбердиева Махсуда Буриевна — Ангор тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими санитария шифокори, Сурхондарё вилояти

Шоимқулова Малика — Бекобод туманидаги “Янгиҳаёт” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Тошкент вилояти

Шукуров Шухрат Уткурович — Аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш илмий-тадқиқот марказининг давлат соғлиқни сақлаш сиёсати самарадорлигини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Иномов Фирдавс Улуғбек ўғли — Болалар миллий тиббиёт марказининг маслаҳат ва диагностика бўлими шифокор-неврологи

«Шуҳрат» медали билан

Абдуназаров Эркин Гуломович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бувайда тумани бўлими ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Абдурахмонова Саноат Абдурафиковна — Самарқанд тумани соғлиқни сақлаш бўлими катта ҳамшираси, Самарқанд вилояти

Ахмедова Наргиза Махмудовна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали шошилинч кардиология ва терапия бўлими шифокор-кардиологи, Бухоро вилояти

Закирова Зебо Анвар қизи — Сирдарё тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси IT-оператори, Сирдарё вилояти

Кутлимуратова Энахан Эгамбергеновна — Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг поликлиника бўлими диагностика шифокори, Хоразм вилояти

Мурталибова Нодира Мирмаксудовна — Болалар миллий тиббиёт марказининг нефрология ва гемодиализ бўлими шифокор-нефрологи

Муртазаев Нозимжон Неъматович — Миллий тиббиёт марказининг нейрореанимация бўлими шифокор-неврологи

Низамов Улугбек Иргашевич — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

Насиров Мансур Мухторович — Болалар миллий тиббиёт марказининг кам инвазив хирургия, трансплантология ва ортопедия бўлими мудири

Омонов Фахриддин Сапарович — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Оққўрғон тумани бўлими фельдшери, Тошкент вилояти

Соатова Рано Ахматовна — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг хирургия реанимацияси бўлими кичик тиббий ходими

Тошбўлова Мухайё Эгамқуловна — Жиззах ногиронлиги бўлган аёллар учун “Гамхўрлик” марказининг кичик тиббий ходими, Жиззах вилояти

Умирзоков Низомиддин Апаевич — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Пахтачи тумани бўлими ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

Усмонов Саидаъло Комилжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стандартлар ва клиник қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бошқармаси бошлиғи

Усмонов Шухрат Уразали ўғли — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг реабилитация бўлими мудири

Шоабсаров Абдушоҳид Аслонович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг куйганлар токсикология реанимацияси бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 26 октябрь

ЎЗБЕК КИНОСИ: ТАРИХИЙ МЕРОСДАН ЯНГИ ЮКСАЛИШ САРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, “Dolby Atmos” технологияси асосида овоз студияси билан жиҳозланган замонавий Дубляж ва овозлаштириш маркази ташкил этиш, миллий онлайн киноплатформа ишлаб чиқиб, маҳсулотларни монетизация қилиш имкониятини яратиш кўзланмоқда.

Давлатимиз раҳбари билдирилган таклифларни маъқуллаб, кино соҳасида замонавий бошқарув усулларини жорий қилишни жадаллаштириш, соҳада ижодий эркинликни таъминлаш, сифатли сценарийлар ва ҳаётий сюжетларга бой фильмларни суратга олиш ишларини кенгайтириш, халқаро даражада ўзбек кино мактабининг довруғини тиклаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шундан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекфильм” киностудиясида кино соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда миллий кинода эришилган натижалар, соҳада ечимини кутаётган масалалар ва уни ривожлантиришнинг янги йўналишлари ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбекфильм” бир неча авлод ижодкорларининг меҳнати билан боғлиқ қадрдон маскан эканини таъкидлади. “Маҳаллада дув-дув гап”, “Ўткан кунлар”, “Шум бола”, “Чинор остидаги дуэль”, “Суюнчи” каби фильмлар ва уларнинг қаҳрамонлари халқимиз хотирасида сақланиб қолган. Бу анъана мустақиллик йилларида “Абдуллажон”, “Отамдан қолган далалар”, “Дилхирож”, “Ватан”, “Ўтов” сингари асарлар билан давом эттирилди.

— Мазкур даргоҳда миллий кино тарихимиз, бир неча авлод ижодкорларининг меҳнати, халқимизнинг экранга кўчган орзулари, интилишлари ва армонлари мужассам, — деди Президентимиз.

Соҳага ўнлаб хусусий киностудиялар кириб келди, миллий кадрларнинг янги авлоди етишиб чиқди. “Исломхўжа”, “Ибрат”, “Авлоний”, “Абдулла Қодирий”, “Қўқон шамоли”, “Муқимий”, “Илҳақ”, “Ўзбек қизи”, “Баҳодир Ялангтўш” каби тарихий фильмлар яратилди. Яқинда “Олтин глобус” халқаро кино мукофоти доирасида Марказий Осиё ва Кавказ киноижодкорларини тақдирлаш маросими илк бор Тошкентда ўтказилди. Унда санъаткор Гулчеҳра Жамилова “Меридиан” мукофотига сазовор бўлди.

Президентимиз эришилган натижалар билан бирга мавжуд муаммоларни ҳам очиқ кўрсатиб ўтди. Ижтимоий тармоқлар ривожланган учун одамлар кинотеатрга бормай қўйгани ҳақидаги фикрларга қарамай, хорижий фильмлар намойишида кинозаллар тўлмоқда.

— Демак, томошабин кинодан, кинотеатрларга боришдан воз кечгани йўқ, фақат унинг диди ва талаби ўзгарди, — деди давлатимиз раҳбари.

Миллий фильмларнинг айни талабга жавоб беришига фильм ишлаб чиқаришдан уни томошабинга етказишгача бўлган яхлит занжир — дистрибуция шаклланмагани тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, профессионал кинотанқидчилар фикри билан етарлича ҳисоблашилмаяпти. Мамлакатимиз етакчиси холис таҳлил ижодкорга ўз камчиликларини кўриш ва ўсиш имконини беришини таъкидлади.

Амалдаги давлат буюртмаси ва хариди тизими ҳам замонавий киноиндустрия талабларига жавоб бермаяпти. Бир вақтнинг ўзида битта режиссёрга олтитагача, бир муаллифга еттитагача лойиҳа бириктирилган. Буюртмаларнинг деярли ярми давлат студияларига берилгани хусусий ижодкорларнинг тенг рақобат қилиш имконини чеклаган. Сценарий суратга олиш жараёнида бойиши, ижодий ечимлар ўзгариши мумкинлиги боис фильмни оддий товар ёки қурилиш объекти каби техник топшириқ асосида харид қилиш тўғри эмаслиги қайд этилди.

— Аслида ижодкор меҳнатининг натижаси томошабинни чуқур ўйга солиб, қалбида из қолдирган фильм билан ўлчаниши керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари кино халқлар бирбирини танишига хизмат қилишини, ўз тарихи, маданияти ва миллий қаҳрамонларини жаҳон экранларида муносиб кўрсата олган мамлакатнинг овози ва таъсири кенгайишини таъкидлади. Кино бугун мамлакатнинг халқаро нуфузини оширадиган “юмшоқ куч”га айланган. У фарзандларимиз онги ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз етакчиси “Ўз” ғоясининг кино санъатидаги ифодасини “Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш” деб таърифлади. Экранда улуғ аждодларимиз билан бирга бугун ёнимизда яшаётган инсонларнинг ҳам ҳаққоний қиёфаси акс этиши кераклигини айтди. Ўқитувчилар, шифокорлар, спортчилар, Ватан ҳимоячилари, тадбиркорлар, қурувчилар ва ёшларнинг ҳаёти таъсирли фильмлар учун катта мавзу экани қайд этилди.

— Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Миллий кинони ривожлантириш учун соҳани бошқариш, молиялаштириш ва фильм яратиш вазифалари аниқ ажратилади. Кинематография агентлиги тугатилиб, давлат сиёсатини юритиш ваколати Маданият вазирлигига ўтказилади. Вазирликда Кино санъати департаменти ташкил қилиниб, унинг раҳбари мақоми вазир ўринбосарига тенглаштирилади. Масъулларга бир ойда янги департамент ишини йўлга қўйиш ва агентлик тизимини тугатиш ишларини якунлаш топширилди.

Давлат муассасаси бўлган “Ўзбекфильм” ўрнида замонавий бизнес модели асосида ишлайдиган “Ўзбекфильм” миллий кинокомпанияси ташкил этилади. Компаниянинг ўзи фильм ишлаб чиқармайди — уларни яратиш тўлиқ хусусий секторга ўтади. Миллий кинокомпания лойиҳаларни танлаш ва молиялаштириш, фильмларни тарғиб қилиш, тарқатиш ҳамда халқаро бозорлар ва фестивалларга олиб чиқиш билан шуғулланади. Унинг фаолиятини бир ҳафтада йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Киноларни молиялаштиришда давлат буюртмаси ўрнига субсидия асосида қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади.

— Бундан буён давлат фильмнинг буюртмачиси эмас, ижодкорлар ва хусусий секторнинг ишончли ҳамкори бўлади, — деди Президентимиз.

Янги тизимда техник топшириқларга эмас, ижодий жараён ва унинг талабларига устуворлик берилади. Молиялаштириш механизмини бир ойда жорий этиш, келгуси йилдан бошлаб миллий кинокомпания сўровига кўра ҳар йили бюджетдан тегишли маблағ ажратиб бориш топширилди.

“Ўзбекфильм”нинг 10 гектарлик ҳудудида кино хизматлари жамланган ягона индустриал кластер — “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси” ташкил этилади. Бу мақсадга 400 миллиард сўм йўналтирилади. “Кино шаҳарчаси”да қуриладиган замонавий Дубляж ва овозлаштириш маркази учун 80 миллиард сўм ажратилади. Икки ойда шаҳарчанинг мастер-режаси ва лойиҳа-сметасини ишлаб чиқиш, қурилишни кейинги йил март ойидан бошлаш вазифаси қўйилди.

Киноижодкорлар учун яна бир ташаббус маълум қилинди. Куйи Чирчиқ туманида замонавий талаблар асосида таъмирланган “Кўҳинур” сиҳатгоҳи тўлиғича улар ихтиёрига берилади. Шунингдек, ҳар йили соҳанинг камида 300 нафар ходимига республика сиҳатгоҳларида дам олиш ва даволаниш учун бепул йўлланма берилади.

Соҳада илм, таҳлил ва профессионал танқидчиликни ривожлантириш учун “Киношунослар клуби” ташкил этилади. Миллий кинокомпания унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб, Халқаро кинотанқидчилар федерацияси — FIPRESCIга аъзо бўлишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Кино арбоблари ва Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмалари бирлаштирилиб, Ўзбекистон кино соҳаси вакиллари палатаси тузилади. Палата ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқлари ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг профессионал ўсишига кўмаклашиш билан шуғулланади. Ёш киноижодкорларнинг хорижда малака ошириши қўллаб-қувватланади.

Президентимиз “Ўзбекфильм” номини миллий киномизнинг ягона бренди сифатида мустаҳкамлашни таклиф қилди. Ҳозирги Чилонзор кўчасининг ушбу қисмига “Ўзбекфильм” номини бериш, Кино санъати музейи, Кино санъати саройи ва Миллий кинофондни ҳам шу ном остида бирлаштириш ташаббуси билдирилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари тажрибали киноижодкорлар ва ёшларнинг фикрларини тинглади. Ижодкорларга зарур шароит яратилиши ва уларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши таъкидланди. Яхши кино яратиш учун ҳалол меҳнат, ватанпарварлик ва халқимизни севиб ижод қилиш ҳам зарурлиги айтилди.

— Сизларга ишонаман. Ўзлигимиздан куч олиб, бугунги ҳаётимизни теран англаб, миллий киномизнинг янги саҳифасини биргаликда ярата оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Абу Али ибн Синонинг болалигига бағишланган “Ҳусайн” тарихий-бадиий фильмининг суратга олиш майдони билан танишди.

Болалар контентини ривожлантириш маркази буюртмаси асосида суратга олинаётган фильм учун “Ўзбекфильм” киностудиясида аллома яшаган давр муҳитини акс эттирувчи декорациялар барпо этилган. Давлатимиз раҳбари тарихий шаҳар деворлари, кўча ва бозор манзаралари, давр либослари ҳамда суратга олишда фойдаланиладиган буюмларни кўздан кечирди.

Киноижодкорлар билан мулоқотда Президентимиз давлат миллий руҳдаги, буюк аждодларимиз ҳаётига бағишланган фильмлар яратилишига эътиборни янада кучайтиришини таъкидлади. Бу ерда барпо қилинган декорацияларни юқори баҳолаб, улар тарихий муҳитни экранда ишонарли гавдалантиришга интилишдан далолат эканини қайд этди. Бой тарихимиз ва алломаларимиз меросини кино тили орқали ёш авлодга етказиш, уларда ўз ўтмишига қизиқиш ва ифтихор туйғусини уйғотиш муҳимлигини таъкидлади.

Фильмда ёш Ҳусайн ибн Абдуллоҳнинг табобатга муҳаббати, устозларига садоқати ва инсонпарварлиги тасвирланади. Асар орқали болаларга алломанинг илмга интилиши ва шахсий фазилатларини яқиндан танитиш кўзда тутилган.

“Ҳусайн” фильмини яратиш Абу Али ибн Сино илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган. Ҳужжатда аллома таваллудининг 1050 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳам назарда тутилган.

Президентимиз фильм ижодкорларига муваффақиятлар тилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎзА мухбирлари.

ИНФРАТУЗИЛМА ЯНГИЛАНАДИ, ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тизимда муассасалар кўрсатадиган ёрдам даражасига қараб ўзаро боғланади. Мураккаб ва юқори технологик хизматлар таянч марказларда жамланади, туманларда эса базавий ва шошилинч тиббий ёрдам сақланади. Бирламчи бўғинни режалаштиришда қишлоқ ва олис аҳоли пунктлари ҳамда шаҳарлар учун алоҳида хизмат кўрсатиш меъёрлари қўлланади.

Бундай ёндашув зарурати Самарқанд вилояти мисолида кўрсатиб берилди. Вилоят аҳолисининг 80 фоизи туманларда яшайди, бироқ туманлар ҳиссасига шифо ўринларининг 41,7 фоизи тўғри келади. Мастер-режада тиббий ҳудудларни қайта ташкил этиш орқали туманлар улушини 67 фоизга етказиш, хизматларни аҳолига яқинлаштириш кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳри, Ургут, Пастдарғом, Каттақўрғон, Иштихон ва Пайариқда янги шифохоналар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш режалари ҳақида ахборот берилди. Вилоят марказидаги ихтисослаштирилган муассасаларни кўп тармоқли шифохоналар негизида қайта ташкил этиш, марказий лабораториялар, стерилизация ва ташхислаш хизматларини ривожлантириш таклиф қилинди. Ургут, Каттақўрғон ва Пастдарғомда 2030 йилгача жами 1 500 та янги шифо ўрни яратиш назарда тутилмоқда.

Янги объектлар фақат бино қуриш билан чекланмаслиги таъкидланди. Поликлиника ва шифохоналарни лойиҳалашда беморлар ҳаракатини қулай ташкил этиш, инфекцион назорат, инклюзив муҳит ва хоналарни жиҳозлаш бўйича ягона талабларни жорий этиш таклиф қилинди. Даволашда эса халқаро тавсияларга асосланган клиник протоколларни миллий шароитга мослаштириш, амалиётга татбиқ этиш ва натижаларини мунтазам баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга доир қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Унда тиббий ва ёрдамчи хизматларни, жумладан, гемодиализ, лаборатория диагностикаси, ташхислаш ҳамда ускуналарга техник хизмат кўрсатишни аутсорсинг асосида харид қилиш таклиф этилган. Бир йиллик шартномалар ўрнига беш йилгача бўлган ҳамкорлик механизмларини қўллаш хусусий шерикларга ускуна ва хизматларга узоқ муддатли сармоя киритиш имконини беради.

Бунда давлат тиббиёт муассасаси хизматни харид қилади, хусусий ташкилот эса зарур ускунани ўз ҳисобидан олиб келиб, унинг ишлаши ва янгиланишини таъминлайди. Харидларни ташкил этиш учун ягона тендер ҳужжатлари ва электрон тизим жорий қилиш, айрим муассасаларни профессионал компанияларга бошқарувга бериш имкониятлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган таклифларни пухта ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалиётга жорий қилиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

ЎзА.

Германиядаги «Bristol Berlin» ва «Bayerischer Hof» меҳмонхоналарида Ўзбекистон ҳамда Озарбайжоннинг туристик салоҳиятини тарғиб қилишга бағишланган қўшма роуд-шоулар бўлиб ўтди.

Муҳокама

МАҲАЛЛАЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг ўттизинчи сессиясида туманда хавфсиз муҳитни таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш ва маҳаллаларни комплекс ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Сессияда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов, қўмита раиси ўринбосари Баҳром Абдуллаев, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тегишли қарори ижроси, Миробод туманидаги криминоген вазият ва профилактика ишларининг натижадорлиги муҳокама қилинди. Унда хавфсиз кўча ва уйларни ташкил этиш, криминоген вазияти оғир маҳаллаларга масъул раҳбарларни бириктириш, ёшлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар муаммоларини ҳал этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашишда амалга оширилган тадбирлар сони эмас, балки уларнинг аниқ натижаси — жиноятлар камайиши ва аҳолининг хавфсизлиги таъминланиши асосий мезон бўлиши кераклиги таъкидланди.

Сенат қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ўз сўзида тумандаги криминоген вазиятга доир рақамларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ҳар 100 минг аҳолига нисбатан олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар кўрсаткичи Тошкент шаҳри бўйича 131,5 тани ташкил этган бўлса, Миробод туманида 182,3 тага етган. Мазкур рақамлар профилактика ишларини янада мазмунли олиб бориш, жиноятчилик ўсишига сабаб бўлаётган омилларни ҳар бир маҳалла ва жиноят тури кесимида чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тумандаги 39 та маҳалланинг 8 таси “яшил”, 29 таси “сариқ” ва 2 таси “қизил” тоифага киритилган. Демак, кўпчилик маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича қўшимча чоралар талаб этилади.

Муҳокама якунида туман ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар бўлими олдига жиноятчилик ўсиши сабабларини ҳар бир маҳалла ва жиноят тури кесимида таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича бир қатор устувор вазифалар қўйилди.

Қўшма сессияда жамоат хавфсизлигини таъминлашда маҳалла, ҳокимлик, прокуратура ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ҳар бир раҳбарнинг шахсий масъулиятини ошириш, профилактика чораларининг амалий натижадорлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сессияда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, маҳаллий бюджет даромадлари ижроси, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, норасмий бандлик ва “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш масалалари ҳам муҳокамага тортилди. Шунингдек, аҳоли, айниқса, камбағал оилалар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунарга йўналтириш, субсидия ва кредитлар орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли учун 2027 йилда иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш борасида ҳам фикр юритилди.

Сессиядан сўнг сенаторлар тумандаги ситуацион марказ фаолияти билан танишди. Ушбу марказ тумандаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ободонлаштириш, коммунал хизматлар, инфратузилма ва фуқаролар мурожаатларини мониторингдан ўтказиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ҳамда масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Мазкур замонавий бошқарув механизми муаммоларни олдиндан аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгани билан эътиборга молик.

* * *

Халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгашининг навбатдаги мажлисида Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов иштирокида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, фавқулодда вазиятлар бўлими, таълим тизими, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳамда тегишли ташкилотлар масъуллари қатнашди.

Муҳокама чоғида Президентимизнинг маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда шу йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижроси танқидий кўриб чиқилди. Олмазор тумани ички ишлар органлари масъулининг мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Маълумотларга кўра, тумандаги 64 та маҳалланинг 9 таси “яшил”, 55 таси эса “сариқ” тоифага киритилган. “Қизил” тоифадаги маҳаллалар мавжуд эмас.

Сенатор жиноятчилик билан боғлиқ салбий кўрсаткичлар қайд этилган маҳаллалардаги вазият юзасидан танқидий фикрларини билдириб, профилактика ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Маҳалла раислари ва “маҳалла еттилиги” вакилларига ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, ҳар бир ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган манзилли чораларни белгилаш вазифаси юклатилди.

Ўз навбатида, ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиш ҳолатлари алоҳида муҳокама қилинди. Таълим муассасалари масъуллари ва уларга бириктирилган профилактика инспекторларига ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, ота-оналар билан ҳамкорликда профилактик ишларни кучайтириш юзасидан зарур маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги биносида йўлга қўйилган ситуацион марказ фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Мурожаатларга тезкор муносабат билдириш тизими, штаб фаолияти ва масъулларнинг вазифалари кўриб чиқилиб, иш жараёнларини янада самарали ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. Туман фавқулодда вазиятлар бўлимида амалга оширилган ишлар, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ва мавжуд муаммолар ҳам ўрганилиб, аниқланган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, мавсум давомида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва масъул идоралар ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов Конрад Аденауэр жамғармаси таклифига биноан Брюсселда бўлиб, Европа институтлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Учрашув

Ташриф доирасида Конрад Аденауэр жамғармасининг ривожланиш сиёсати бўйича кўп томонлама мулоқот дастури раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлари алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда узоқ муддатли ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Европа ташқи ҳаракатлар хизматида Марказий Осиё бўлими раҳбарияти билан ўтказилган учрашувда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижроси, шунингдек, Самарқанд саммитида эълон қилинган 12 млрд. евро қийматидаги “Global Gateway” инвестиция пакети доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида Ўзбекистондаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш жараёни Европа Иттифоқи билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Шунингдек, “Global Gateway” лойиҳалари ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, бу борада парламент қўмиталарининг масъулиятини ошириш таклифлари илгари сурилди.

Конрад Аденауэр жамғармасида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё муносабатлари ва “Global Gateway” мавзуида ўтказилган давра суҳбатида Европа комиссияси, Европа ташқи ҳаракатлар хизмати, Европа парламенти, ЕТТБ, ЕИБ, ИҲТТ ҳамда минтақа таҳлил марказлари ва ОАВ вакиллари қатнашди. Унда “Global Gateway” доирасида энергетика хавфсизлигини таъминлаш, муҳим хомашёни қайта ишлаш ва Транскаспий йўлаги орқали Европа бозорларига чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, минтақавий ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё таҳлил марказлари форумини ташкил қилиш ташаббуси қайд этилди.

Брюсселда ўтказилган Ўзбекистон — Люксембург парламентлараро дўстлик гуруҳининг навбатдаги стратегик учрашувида эса икки томонлама алоқаларни диверсификация қилиш, қонунчилик бўйича тажриба алмашишни фаоллаштириш ва парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини янги мазмун билан бойитиш масалалари марказий мавзу бўлди.

Тадбирда парламент назорати воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда икки давлат ўртасидаги олий даражадаги келишувлар ижросини таъминлаш ва қонун ижодкорлиги йўналишидаги мулоқотни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Фракциялар ҳаёти

МУНОЗАРАЛАР ҚИЗҒИН, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР АСОСЛИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга доир масалалар ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.



Тадбиркорлар учун янги имкониятлар ва қулай шароитлар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунлари ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар янги Қарши шаҳри ва “Янги Насаф” экомажмуасини барпо этиш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, Германияда ҳақ тўланадиган амалиётни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш каби ташаббусларни алоҳида эътироф этди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси қизғин кечди.

Унда тадбиркорлар учун белгиланган солиқ имтиёзларидан узлуксиз фойдаланиш имкониятини таъминлаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, солиқ қарзи ўз вақтида тўланмаган тақдирда ҳисобланадиган пеня миқдори ушбу қарз суммасидан ошиб кетмаслиги белгиланмоқда.

Солиқ тўловчи камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талаб қилинган тушунтириш ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этса, унинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш чорасини солиқ органлари томонидан автоматик равишда бекор қилиш назарда тутиляпти.

— Мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди фракция аъзоси Диёр Ҳусанов. — Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги айрим молиявий ва маъмурий чекловларни камайтириш, ҳудудларда ишбилармонлик фаоллигини оширишга йўл очади. Шу боис унинг долзарблиги ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, якдил қўллаб-қувватладик.

Мақсад — одил судлов самарадорлигини ошириш

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини амалга ошириш бўйича конституциявий нормани, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 2017 йил 1 июндан эътиборан маъмурий судлар ташкил қилинган эди. Маъмурий судлар қисқа даврда ўз самарадорлигини амалда исботлади.

Президентимизнинг тегишли фармони билан тасдиқланган “Одил судлов — 2030” стратегиясида маъмурий органлар фаолияти устидан самарали ва таъсирчан суд назоратини ўрнатиш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Йиғилишда фракция аъзолари бу борада ўтказилган таҳлилларга эътибор қаратди. Қайд этилганидек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг амалдаги таҳрири давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш талабларига етарли даражада жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан янги таҳрирдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни тасдиқлаш назарда тутилмоқда. Маъмурий суд иш юритувига даъво институти киритилиб, даъво турларини аниқлаштириш, шу жумладан, жамоавий аризалар бериш тартиби ва асослари белгиланяпти. Аризани қабул қилишни рад этиш, кўрмасдан қолдириш, қайтариш асослари такомиллаштирилмоқда. Давлат органлари томонидан суд қарорлари ижросининг таъсирчан механизмларини жорий қилиш таклиф этиляпти.

Фракция аъзоси Даврон Ариповнинг айтишича, лойиҳанинг қабул қилиниши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, бу жараёнда маъмурий судларнинг ролини кучайтиришга қаратилган мақсадлар рўёбига га хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилади

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

У давлат органлари ва мансабдор шахслар билан муносабатларда фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, маъмурий суд ишларини юритиш тартибини такомиллаштириш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган.

Кодекс лойиҳасида даъво турларини аниқ белгилаш, жамоавий даъво институтини жорий этиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатларга бўлган ишончини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси партиянинг сайловолди дастурида белгиланган фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга ишончини мустаҳкамлаш ғояларига мос келади.

Фракция аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидованинг фикрича, маъмурий суд иш юритувини такомиллаштириш давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий давлатда ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Долзарб мавзулар муҳокамаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Жараёнда депутатлар лойиҳанинг айрим нормалари юзасидан ўз таклиф ва эътирозларини билдириб, уларни ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаштириш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, депутат Дилбар Мамажонова қонун лойиҳасининг 2-моддасида назарда тутилаётган “маъмурий норма ижодкорлиги” ва “бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий аниқликни таъминлаш” тушунчалари мазмунан мавҳум ифодаланганига эътибор қаратди.

Фракция аъзоси Шокиржон Аҳмедов эса 24-моддага киритилаётган янги норманинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсири юзасидан савол берди. Ушбу норма судьялар томонидан бирёқлама қарорлар қабул қилиниши ёки коррупциявий ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлмаслиги учун қандай ҳуқуқий кафолатлар назарда тутилаётгани аниқлаштирилиши лозимлигини таъкидлади.

Депутат Улуғбек Шерматов маъмурий судлар фаолиятини ислоҳ қилиш ва қонунчиликни бугунги талабларга мослаштириш муҳимлигини айтди. Шу билан бирга, у тадбиркорлар нотўғри қўлланилган молиявий санкциялар устидан судга даъво киритганида давлат божидан озод этилмаслиги масаласига эътибор қаратди. Депутатнинг таъкидлашича, бундай ҳолатларда тадбиркорларнинг суд орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиришга оид масалалар қонун лойиҳасида аниқ ечимини топиши керак.

Депутат Зуҳра Шодиева эса жамоавий даъво аризаларини судга киритиш механизмларини аниқ белгилаш зарурлигини билдирди. Унинг фикрича, бундай аризаларни бериш ва кўриб чиқиш тартиби фуқаролар учун тушунарли, содда ва ортиқча мураккабликлардан холи бўлиши лозим.

Муҳокама якунида фракция аъзолари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда, шунингдек, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раисига ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш, карантин тадбирларини ўтказиш, кимёлаштириш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш масалалари юзасидан парламент сўрови юбориш таклифи кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш зарур

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Радиоактив чиқиндилар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, аҳолининг ҳаёти ва саломатлигини, шунингдек, атроф-муҳитни радиоактив чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳада радиоактив чиқиндиларни тўплаш, саралаш, қайта ишлаш, зарарсизлантириш, ташиш, сақлаш ва кўмиб ташлаш тартибларини белгилаш, соҳада давлат назорати ва мониторинг механизмларини такомиллаштириш, масъул давлат органлари ҳамда эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида мазкур қонун лойиҳасининг радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ жараёнларда хавфсизлик талабларини мустаҳкамлаш, давлат назорати самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги директорининг “Чиқиндиларни бошқариш, циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги парламент сўровига жавоби муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, 2019 — 2025 йиллар давомида 54 та қаттиқ маиший чиқинди полигонида рекультивация ишлари бажарилиб, 262,8 гектар ер майдони табиатга қайтарилган. Шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Фракция аъзолари томонидан чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш, иккиламчи хомашёдан самарали фойдаланиш ҳамда санитар тозалаш хизматлари қамровини янада ошириш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарурлиги айтилиб, парламент сўровига келган жавоб маъқулланди.

«Халқ сўзи».

Форум

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – УМУМИЙ ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Баҳром Абдуллаев Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари фавқулодда вазиятлар идоралари раҳбарларининг минтақавий форумида қатнашди.

Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон вакиллари билан бир қаторда Озарбайжон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги делегацияси ҳам илк бор кузатувчи мақомида иштирок этди.

Форумда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг фавқулодда вазиятлар соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш, трансчегаравий хусусиятга эга хавф-хатарларнинг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген офатлардан муҳофаза қилиш, шунингдек, эрта огоҳлантириш тизимларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, айниқса, чегараолди ҳудудларда минтақавий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛАШАДИГАН ҲУДУД

Президентимиз 12 октябрь куни Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш масалалари юзасидан инвестор ва тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотда ҳар бир вилоят учун 100 гектардан ер майдони ажратиш ҳамда ушбу ҳудудларда вилоятларнинг ўзига хос архитектура ечимларини акс эттирувчи лойиҳаларни амалга ошириш вазифасини белгилаб берган эди.

Тақдимот

Мазкур вазифалар ижроси доирасида Янги Тошкент шаҳрида Сурхондарё вилояти учун ажратилган 100 гектар ер майдонида қурилиш ишларига старт берилди.

Тадбир доирасида ажратилган ҳудудда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов, вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов, шунингдек, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган сурхондарёлик мутахассислар, қурилиш компаниялари раҳбарлари қатнашди.

Лойиҳага мувофиқ 100 гектар майдонда замонавий тураржойлар, бизнес марказлари, туризм мажмуалари, тадбиркорлик объектлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва зарур инфратузилма иншоотлари барпо қилинади. Бунда ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини акс эттириш, миллий қадриятларни замонавий шаҳарсозлик ечимлари билан уйғунлаштириш, шунингдек, аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳудуднинг 30 фоизида эса яшил майдонлар ва кўкаламзор ҳудудлар ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимот давомида лойиҳаларни такомиллаштириш, ер майдонидан самарали фойдаланиш ва қурилиш ишларини сифатли ташкил қилиш масалаларига урғу қаратилди. Масъулларга белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

Болалар касалликларини эрта аниқлаш, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини амалиётга жорий этиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида юртимизда кенг имкониятлар яратилган.

Тадбир

Кеча Тошкент шаҳрида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг 60 йиллигига бағишланган “Болалик номидан: 60 йил ғамхўрлик, билим ва кашфиётлар” мавзуида халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова қатнашди.

Сенатор ўз нутқида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Шунингдек, юртимизда педиатрия хизматини ривожлантириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, уларнинг соғлом ўсиши ва фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратди.

Анжуманда ўзбекистонлик мутахассислар билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлардан олимлар, шифокорлар ҳамда соҳа экспертлари ҳам иштирок этди.

Тадбир доирасида педиатриянинг бугунги ютуқлари ва истиқболдаги вазифалари, болалар саломатлигини муҳофаза этиш, касалликларни ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий ёндашувлари муҳокама қилинди. Шунингдек, илмий маърузалар, мавзули секциялар ва маҳорат дарслари ташкил этилиб, мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба алмашилди.

«Халқ сўзи».

Новосибирск шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонаси ташаббуси билан илк бор «Мерос» ўзбек маданияти ва анъаналари маркази очилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 27 октябрь

МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИ ТАРИХИНИНГ ЯНА БИР ШОНЛИ САҲИФАСИ

1 Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг V ёзги Параосиё ўйинлари ғолиблари ва иштирокчиларига табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, мард ва жасур спортчиларимиз Осиё қитъасининг 45 та давлатидан 2 600 нафардан зиёд кучли параспортчилар иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда чинакам жасорат ва матонат кўрсатиб, мамлакатимиз спорти тарихида яна бир шонли саҳифа очганлари барчамизга ифтихор бағишлайди.

Мусобақалар якунида вакилларимиз жами 145 та медални қўлга киритиб, бу борада Хитой ва Япония жамоаларидан кейин учинчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, бу Ўзбекистон делегациясининг Параосиё ўйинлари тарихидаги энг яхши кўрсаткичи бўлди.

V Параосиё ўйинларида спортчилар томонидан 81 та Осиё ва 27 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Ўзбекистон вакиллари мусобақа давомида турли спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё ва Параосиё ўйинларининг 15 дан ортиқ рекордларини янгилади. Энг муҳими, параспортчиларимизнинг муваффақиятлари инсон имкониятларини фақат жисмоний чекловлар билан баҳолаб бўлмаслигини, мақсад сари қатъий интилиш ва муносиб шароит мавжуд бўлганда улкан марраларни забт этиш мумкинлигини яна бир бор намоён қилди.

Маросимда ҳукумат вакиллари, вазирлик ва идоралар масъуллари, жамоатчилик вакиллари, ижодкорлар ҳам сўзга чиқиб, спортчиларимизнинг ютуқлари, уларнинг ирода ва матонати, мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор хусусида тўлқинланиб гапирди.

Ғолиб ҳамда совриндор спортчилар номидан сўзга чиққанлар спорт ривожига берилаётган эътибор, ёшларга яратилган шарт-шароитлар ва кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Келгусидаги мусобақаларда янада юқори натижаларга эришиш, Ватанимиз байроғини баланд кўтариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидлади.

Параспортчиларимизнинг бугунги ютуқлари тасодифий эмас. Улар юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, параспортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини намоён этиши учун зарур шароитларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасидир.

Ишонамизки, Японияда тўпланган тажриба параспортчиларимизнинг келгуси мусобақалардаги муваффақиятлари учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Жумладан, 2028 йил Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган Паралимпия мусобақалари, 2030 йилда Қатарда ўтказиладиган VI Параосиё ўйинларида ҳам вакилларимиз янада юксак марраларни забт этиш учун бор куч ва маҳоратларини сафарбар қилади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили Одил Абдураҳмонов иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Таълимдаги устувор масалалар:

СОНДАН – СИФАТГА, ТАСАВВУРДАН – ТАФАККУРГА

Таълим ҳақида гап кетганда, янги қарорлар, дастурлар, бинолар ва рақамли платформалар тилга олинади. Буларнинг ҳар бири зарур. Аммо соҳадаги ҳар қандай янгиланишнинг ҳақиқий мезони, аввало, унинг сифати, мазмуни ва инсонлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлиши лозим.

Қабул кўрсаткичларининг ўсиши, университетлар сонининг кўпайиши — бу каби натижалар ўқув дастурлари, педагоглар салоҳияти, амалиёт, талабаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда битирувчиларнинг кейинги йўли билан биргаликда баҳоланиши керак. Шу нуқтаи назардан, олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича янги концепция, яъни "мактабгача таълим — умумий ўрта таълим — касбий таълим — олий таълим — олий таълимдан кейинги таълим" узвийлигини қамраб оладиган миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши айни муддао.

Таҳлил

Қайд этиш жоизки, соҳадаги норматив ҳужжатлар турли даврларда ҳар хил эҳтиёжлардан келиб чиқиб қабул қилинган. Вақт ўтиши билан айрим талаблар такрорланиб, баъзи нормаларнинг мазмуни эскирди. Қабул, кредит-модуль тизими, ўқишни кўчириш ёки тиклаш, лицензиялаш, халқаро ҳамкорлик ва илмий фаолиятга доир талабларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги таҳририда топиш ҳар доим ҳам қулай эмас. Натижада университет маъмурий ишга ортиқча вақт сарфлаши, талаба эса ўз ҳуқуқи ёки аризасининг тартибини аниқлаш учун бир неча манбага мурожаат қилишига тўғри келади.

Таклифимиз шуки, олий таълимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли хатловдан ўтказиш, такрорланувчи ва зид нормаларни аниқлаш, уларни уйғунлаштириш ҳамда кейинги босқичда узлуксиз таълимни қамраб оладиган Таълим кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим. У кўп бўлиши шарт эмас, тушунилиши осон бўлсин.

Мактабдан университетгача: шаклдан мазмун бирламчи

Умумий ўрта таълим муддатини ва мактаб битирувчисининг олий таълимга ўтиш йўлини қайта кўриб чиқишда шошилинч қарордан кўра, тизимлараро мувофиқлик муҳим. Боғчадаги тайёрлов йилини ҳисобга олиш ўрнига тўлақонли 12 йиллик умумий ўрта таълим моделини қонунчиликда белгилаш, синфлар номланиши ва шаҳодатнома шаклини халқаро амалиётга мувофиқлаштириш лозим. 12 йиллик моделга оид қарорлар ўқув дастури, дарслик, ўқитувчи тайёргарлиги, инфратузилма, молиялаштириш ва битирув ҳужжатларининг хорижда тан олиниши билан бирга кўрилиши керак.

Ютуқларимиз кўп. Дейлик, мактаб даражасида силжиш сезилмоқда. Вазирлик маълумотига кўра, "PISA — 2025"да ўқувчиларимиз табиий фанлар бўйича 438 балл тўплаб, 91 давлат ва таълим тизими орасида 48-ўринни эгаллади; 2022 йилда мазкур кўрсаткич 355 балл ва 80-ўрин эди. Бироқ "рақамли дунёда ўқиш" йўналишида натижа 402 балл ва 72-ўрин бўлди. "PIRLS — 2021"да эса 57 давлат орасида 49-ўринда эдик. Демак, ўсиш бор, лекин булар билан чегараланиб бўлмайди.

Айрим бакалавриат йўналишларида уч йиллик таълим моделига ўтиш ҳам мумкин. Бироқ буни барча йўналишга бир хил татбиқ этиш нотўғри. Дастур давомийлиги битирувчи эгаллаши шарт бўлган билим, кўникма ҳамда амалий тажрибадан келиб чиқиши керак. Тиббиёт, муҳандислик, педагогика ва бошқа касбларнинг талаблари бир-биридан фарқ қилади. Аввал айрим йўналишларда тажриба-синов, мустақил баҳолаш ҳамда халқаро тан олиниши бўйича таҳлил ўтказиш, кейин хулосага келиш мақсадга мувофиқ.



Финляндия тажрибаси ҳам муҳим жиҳатларни эслатади: тизимни муваффақиятли, деб билиш учун фақат унинг обрўсига таяниб бўлмайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 2025 йилги маълумотларида Финляндияда 25 — 34 ёшдагилар орасида олий маълумотлилар улуши 2021 йилдаги 40 фоиздан 2024 йилда 39 фоизга тушгани, бакалавриатга кирганларнинг 61 фоизи назарий муддат тугаганидан бир йил ўтиб диплом олгани қайд этилган.

Бир хил талаб ва адолатли рақобат

Олий таълимда давлат ва нодавлат секторини бир-бирига қарама-қарши қўйишдан наф йўқ. Уларнинг ташкилий шакли фарқ қилиши мумкин, аммо талаба оладиган таълим сифати, хавфсизлиги, қонунийлиги ҳамда малака талаблари бўйича мезонлар аниқ бўлиши керак. Соғлом рақобат бир ташкилотнинг имкониятини чеклаш билан эмас, бошқасининг ундан яхшироқ дастур, кучли педагог, амалиёт ҳамда илмий муҳит яратиши билан ривожланади.

Бу борада икки масалани ажратиш лозим. Биринчиси — тенг қоидалар ва бир хил назорат шакли. Барча университет учун сифат ҳамда талаба манфаатига доир талаблар умумий бўлиши керак, лекин уларни бажариш усули таълим йўналиши, ташкилот ҳажми ва хавф даражасига қараб фарқланиши мумкин. Муҳими, назорат натижага қаратилиши, ортиқча ҳужжатлар такрорланмаслиги лозим. Масалан, янги ўқув биносини лицензияга киритишда аввал олинган хулосаларни қайта-қайта талаб қилиш ўрнига, электрон "бино паспорти" ҳамда идоралараро маълумот алмашинувидан фойдаланиш мумкин.

Иккинчиси, "Part-time" ва масофавий таълим шаклларининг ҳуқуқий механизмларини ҳам замонавий талаблар асосида аниқлаштириш зарур. Агар муаммо муайян дастур сифатида бўлса, бутун таълим шаклини чеклашдан олдин сифат мезонлари, ўқув натижалари ҳамда назорат механизмларини кучайтириш йўллари кўриб чиқилиши керак.

Академик мустақиллик — эркинлик ва ҳисобдорлик бирлиги дегани. Университет ўқув дастурини янгилаш учун рухсат кутиб вақт йўқотса, меҳнат бозори тез ўзгараётган шароитда битирувчи кечаги талаблар билан юзма-юз қолиши мумкин. Шу боис университетларга ўқув режасини шакллантиришда кўпроқ мустақиллик бериш тарафдоримиз.

Халқаро ҳамкор университет билан қўшма дастур тузилганда ҳам мазмуний мосликка эътибор бериш шарт. Миллий талаблар бажарилган бўлса, зарур компетенцияларни фақат бир хил номдаги фанларни такрорлаш орқали эмас, модуль, кредит ёки фанлараро лойиҳа орқали ҳам ўзлаштириш мумкин.

Академик мустақиллик назоратсизлик эмас. Университетга эркинлик берилар-кан, унинг жавобгарлиги ҳам ҳисобга олинади, албатта. Мустақил аккредитация, ўқув натижалари, битирувчилар бандлиги, иш берувчилар фикри ва талабалар тажрибаси биргаликда баҳолашнинг асосий манбалари бўла олади. Фақат битта кўрсаткичга таянилса, нотўғри хулоса чиқарилиши мумкин: битирувчилар бандлиги ҳудудий иқтисодиёт, касб соҳаси ва битирувчининг кейинги таълимни давом эттириши билан ҳам боғлиқ.

Диплом ва стипендия: имконият университет номига боғланмаслиги зарур. Дипломнинг асосий вазифаси битирувчининг тегишли малака талабларини бажарганини тасдиқлаш ҳисобланади. Ҳужжатнинг ҳақиқийлигини электрон реестр ва QR-код орқали текшириш имконияти кенгайса, иш берувчи учун ҳам, битирувчи учун ҳам жараён қулайлашади. Университетнинг ташкилий шакли ҳақидаги маълумот зарур бўлса, у диплом иловасида акс этиши мумкин. Аммо малака талабларини бажарган инсоннинг билимини баҳолашда эътибор, аввало, унинг тайёргарлигига қаратилиши лозим.

Иқтидорли ёшлар учун тенг имкониятлар: стипендия танловларини такомиллаштириш зарур. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурларида танловда иштирок этиш имконияти адолатли ва шаффоф мезонларга асосланиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, бакалавриат талабалари учун Президент ва номдор давлат стипендиялари давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари талабаларига тайинланиши мумкин. Бироқ магистратура босқичида Президент стипендияси фақат давлат олий таълим ташкилотларининг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар учун белгиланган.

Бундай тафовут бакалавриатда юқори академик натижаларга эришган, аммо магистратурада ўқишни нодавлат ёки хорижий олий таълим ташкилотида давом эттираётган иқтидорли ёшларнинг Президент ва бошқа номдор стипендиялар танловида қатнашишига тўсқинлик қилиши мумкин. Ваҳоланки, мамлакатимиздаги 215 та олий таълим ташкилотининг 97 таси нодавлат секторга тўғри келади. Бу эса танлов имкониятларини кенгайтириш масаласи кўп сонли талабаларнинг академик салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Вазирликнинг 2026 йил 29 январдаги маълумотига кўра, 2025/2026 ўқув йилида магистратура босқичи Президент стипендияси танловига 195 нафар талабгорнинг ҳужжати қабул қилинган, 22 та танлов йўналиши бўйича квота ажратилган ва дастлабки саралашдан сўнг 61 нафар номзод республика босқичидаги суҳбатга тавсия этилган. Танлов натижасида 22 нафар номзод ғолиб бўлган. Ушбу рақамлар танловнинг академик салоҳиятни саралашдаги аҳамиятини кўрсатади. Айни пайтда танловда қатнашиш доирасини белгилашда таълим муассасасининг мулкчилик шаклидан ташқари, унинг аккредитацияси, таълим сифати ва номзоднинг шахсий натижаларини ҳам ҳисобга олиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги тегишли қарорига магистратура ва таянч докторантура босқичларига оид иловалар бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилиши айни муддаодир. Жумладан, давлат аккредитациясидан ўтган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабаларнинг Президент стипендияси танловида белгиланган академик мезонлар асосида тенг шартларда иштирок этиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқиш зарур. Бу борада Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамкорлигида ҳуқуқий ва молиявий механизмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, номзод белгиланган академик талабларга жавоб берса, унинг давлат, нодавлат ёки хорижий олий таълим ташкилотида таҳсил олиши билимини намоён этиш имкониятини ўз-ўзидан чекламаслиги керак.

Номувофиқликларга ечим зарур

Олий таълимга ўқишга кириш — йўлнинг бир қисми. Талабада уни давом эттиришга моддий шароит етарли бўлмаса, қабул қилинган қарор кутилган натижани бермаслиги мумкин. Айниқса, бошқа ҳудуддан келиб ўқиётган ёшлар учун ижара, йўл ва кундалик харажатлар сезиларли юк бўлади. Ижтимоий ёрдам университетнинг ташкилий шаклига эмас, талабанинг эҳтиёжи ва аниқ мезонларга асосланиши керак.

Шу сабабли, тегишли аккредитациядан ўтган нодавлат олий таълим ташкилотларининг кундузги талабалари учун ҳам ижара компенсацияси олиш имкониятини амалдаги талаблар асосида кўриб чиқиш таклифини илгари сурмоқчимиз. Аризаларни ягона электрон платформа орқали қабул қилиш, талабалик ҳолати ва ижара маълумотларини текшириш ҳамда тўловни бевосита талабанинг банк картасига ўтказиш шаффофликни оширишни мумкин. Бюджет имкониятлари ҳисобга олиниши шарт, шу боис босқичма-босқич ёки давлат ва университет ҳамкорлигидаги молиялаштириш модели синовдан ўтказилиши мумкин.

Талабалар тураржойи масаласи ҳам фақат янги бино қуриш билан ҳал бўлмайди. Миллий статистика қўмитасининг 2025/2026 ўқув йили бошига оид маълумотида Тошкент шаҳрида 98 та олий таълим ташкилоти фаолият юритгани қайд этилган. Бундай ўқув муассасаларининг пойтахтда жамланиши талабалар тураржойига бўлган эҳтиёжни режалаштиришда алоҳида эътибор талаб қилади. Давлат-хусусий шериклик асосида талабалар учун арзон тураржойлар қуриш, яроқли бўш турган давлат объектларини мослаштириш, ер ажратиш мезонларини очиқ белгилаш мумкин.

Ёрдамни манзилли қилиш учун эҳтиёжни текшириш ва маблағ сарфининг назорат механизмлари бўлиши керак. Бироқ назорат талабанинг ўзига ортиқча ҳужжат йиғиш юкини юкламаслиги лозим. Давлат идораларида мавжуд маълумотни қайта-қайта талаб қилиш рақамлаштириш мақсадига зид.

Яна бир ҳолат шундаки, ижарада яшовчи талабаларнинг ижара тўловини қоплаб бериш тизими фақат давлат ОТМ талабаларига татбиқ этилиши билан боғлиқ. Нодавлат ОТМ талабалари бир хил ижара харажатини кўтарса-да, бу ижтимоий кўмакдан четда қолмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ижарада яшовчи талабалар ойлик ижара тўловининг 50 фоизи (Тошкент шаҳрида БҲМнинг бир баравари, ҳудудларда ярим баравари доирасида) Давлат бюджетидан қоплаб берилади. Қарорга илова қилинган Низомнинг 1-бандида Низом талаблари нодавлат ОТМга татбиқ этилмаслиги белгиланган. Низомнинг 2-бандида ариза берувчи сифатида фақат давлат ОТМ талабаси кўрсатилган.

Ҳужжатлар ўртасида номувофиқлик бор. Солиқ кодексининг 378-моддаси 19^{1}-бандига кўра, уй-жойни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадга солиқ солинмайди ва бу норма талаба ўқийдиган ОТМ турини ажратмайди. Давлат уй эгасини барча талаба учун рағбатлантиради, лекин ижара харажатини фақат давлат ОТМ талабасига қоплайди.

Назаримизда, қарорга ўзгартириш киритиб, ижара компенсациясини давлат аккредитациясидан ўтган нодавлат ОТМнинг кундузги таълим шаклидаги талабаларига ҳам татбиқ этиш, компенсацияни ОТМ орқали эмас, бевосита талабанинг банк картасига тўлаш ва аризани ягона давлат платформаси (HEMIS, kontrakt.edu.uz ёки my.gov.uz) орқали қабул қилишни йўлга қўйиш лозим. Бунда нодавлат ОТМ ҳам ушбу тизимларга уланиши таъминланади.

Бугун генератив сунъий интеллект талаба ва ўқитувчининг кундалик фаолиятига кириб келди. Уни бутунлай тақиқлаш амалий жиҳатдан қийин. Аммо ҳеч қандай қоидасиз қолдириш эса академик ҳалоллик ва баҳолаш ишончлилигига хавф туғдиради. Шу маънода, умумий йўриқнома керак, яъни қайси топшириқларда сунъий интеллектдан фойдаланиш мумкин, ундан фойдаланилганини қандай кўрсатиш лозим, шахсий маълумот ва муаллифлик ҳуқуқи қандай ҳимояланади, қоидабузарлик қандай тартибда кўриб чиқилади, деган саволларга жавоб бўлиши даркор.

Баҳолаш усулларини ҳам замонга мослаштириш зарурати мавжуд. Уйда тайёрланган реферат талабанинг мустақил билимини ҳар доим ҳам тўлиқ кўрсатмайди. Оғзаки ҳимоя, аудиторияда бажариладиган топшириқ, амалий лойиҳа ва талабанинг қарорини изоҳлаб бериши баҳолашнинг муҳим қисми бўлиши керак. Фикримизча, якуний баҳолашнинг камида 50 фоизини аудиторияда назорат қилинадиган ёзма ишлар, оғзаки ҳимоя ва амалий лойиҳалар орқали ташкил этиш жоиз.

Жамиятга натижа бериш муҳим

Таълим тизимидаги камчиликларни айтишдан мақсад бирор ташкилот фаолиятини инкор этиш эмас. Бу муаммони номи билан аташ уни ҳал қилишнинг бошланишидир.

Қонунчиликдаги ноаниқликни камайтириш, мактаб ва олий таълим ўртасидаги ўтишни пухта режалаш, давлат ва нодавлат университетлар учун адолатли рақобат шароитини яратиш, академик мустақилликни жавобгарлик билан уйғунлаштириш, ижтимоий ёрдамни эҳтиёжга қараб йўналтириш ва рақамли тизимларни фойдаланувчига қулайлаштириш — буларнинг барчаси бир мақсадга хизмат қилади. Таълимдаги ўзгаришлар университет раҳбари ёки вазирлик ҳисоботида эмас, талабанинг ўқишни давом эттира олиши, ўқитувчининг дарсга кўпроқ вақт ажратиши, иш берувчининг тайёр кадр топиши ва битирувчининг ўз касбида ўсишида кўриниши керак.

Давлатимизнинг вазифаси сифат ва қонунийликни таъминлайдиган аниқ қоидаларни яратиш бўлса, университетнинг вазифаси берилган мустақилликни сифатли таълим ҳамда ҳалол бошқарув билан оқлаш, иш берувчининг вазифаси кадр тайёрлашга реал ҳисса қўшиш, талабанинг вазифаси эса имкониятдан масъулият билан фойдаланишдир.

Бизнинг позициямиз шундан иборатки, олий таълимда кўпроқ ҳужжат эмас, тушунарли қоида: бир хил шакл эмас, кафолатланган сифат, расмий ҳисобот эмас, текшириладиган натижа устувор бўлиши керак.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори.

Интилиш

ҚИЗИЛҚУМДА «ТУРИЗМ ОВУЛИ» ТАШАББУСИ

Конимех туманидаги Янгиқазғон маҳалласи ўз ўрамига Фидокор, Пахтакор, Янгиқазғон, Дўнгалак каби қишлоқ ва овулларни бирлаштирган. Улар Нурота тоғ тизмалари ва бийдай Қизилқум кесишган чорраҳада жойлашиб, аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Бинобарин, бандликни таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш ҳам бевосита чорвачилик равнақи билан боғлиқ.



— Ҳудудда чорвачиликни, жумладан, туячиликни ривожлантириш учун яйлов имкониятлари кенг, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иба Наризова. — Туя сути шифобахшлиги туфайли харидоргир бўлса, жуни саноатбоп толага эга. Шу икки хомашёни қайта ишлашнинг ўзи янги иш ўринлари билан бирга, қўшимча қиймат яратиш манбаи. Мазкур омиллар ҳудудда гастрономик ва экстремал туризмни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини оширишни йўлга қўйиш имконияти ҳамдир.

Бугунги кунда Янгиқазғон маҳалласида 21 та оилавий меҳмон уйи, 7 та ўтовли оромгоҳ, 5 турдаги қўшимча туристик хизматлар ташкил этилган. Натижада 100 нафарга яқин аҳоли доимий иш ўринларига эга бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур маҳалла Навоий вилоятининг ўзига хос туризм брендига айланиб бормоқда. Эндиликда ҳудуднинг туристик салоҳиятини янада кенг намоён этиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ошириш, инфратузилмани яхшилаш ҳамда янги имкониятларни яратиш мақсадида Янгиқазғон маҳалласига "Туризм овули" мақомини бериш ташаббуси илгари сурилмоқда.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ушбу қўмита аъзоси, сенатор Аксавли Тумишовага акаси

ЖАҒАЛБАЙнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

27 октябрь — 8 ноябрь кунлари пойтахтимизда «Президент олимпиадаси» мусобақаларининг республика финал босқичи баҳслари бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.10 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6